

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 4 (6,997). Sotuvda erkin narxda



- **Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида** «Табият ва рассом» кўргазмаси ўтказилмоқда.
- «Истиклол» болалар спорт мажмуида Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаси бўлиб ўтди.
- **Белорусиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида** белорус деаспораси болалари ҳамда Тошкентдаги 21-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари учун «Янги йил арчаси» байрами ўтказилди.
- Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида юртимиз кутубхоналари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.
- Фарғонада вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамкорлигида ватанпарварлик ойлиги доирасида турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.
- Бухородаги «Нафис» спорт саройида бадий гимнастика бўйича «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши соврини учун вилоят очик биринчилиги ўтказилди.
- 2005 йилнинг сўнгги кунларида «Коракалпоқфильм» студияси ижодий жамоаси иккита янги фильм тақдирини ўтказди. Муаллиф ва режиссёр Тўрағали Қалимбетов ҳамда оператор Ренат Галиев яратган «Қопқончи» қисқа метражли фильм чўпқонларнинг ҳаёт тарзи, турмуш муаммолари ва орзу-ўйларини ҳақиқат ҳиссиёт билан кўрсатишга ҳисил қилади.
- Амударё туманида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Умид нихоллари» спорт ўйинларининг миллий ва белбоғ кураши бўйича минтақавий босқич беллашувлари нихосига етди.
- Бухоро давлат кўғирчоқ театри ўқувчиларининг киши таътилин марокли ўтказиш мақсадида «Урмон эртаги» спектакли намойиш этмоқда.



Иш курулинг соз бўлсин

Асл дехқон учун йилнинг ўн икки ойида ҳам иш топилади. Дехқонларимизнинг беминнат дастурлари саналмиш МТП ходимлари ҳам қишни келгуси йил ҳосили учун зарур техник асбобларни таъминлаш, уларнинг баҳорги экиш мавсумида тўлиқ ишлашларини таъминлаш, лўнда қилиб айтганда, эртанги меҳнат унумдорлигига тайёргарлик фасли сифатида билишадди.

СУРАТДА: Ҳазорасп туманидаги муқобил МТП илгор механизатори Бахтиёр Рўзиев.



Танлов мезони — адолат ва ошқоралик

Сурхондарёнинг Бандихон туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги 215-сонли қарорига асосан икки ширкат ҳўжалиги фермер ҳўжалиқларига айланганлиги ҳақида хабар берилди. Туманда барча далалар фермерлар қўлига ўтади. Қарий икки ойдири, қайта ташкил этиш комиссиялари ишлаётди.

Туманга бириктирилган вакил Ш.Эргашевнинг Низом қондаларини оддий, дехқонларга тушунарли тилда гапириб бераётганлигини айтишди. Мамаражаб Менглиев билан суҳбатимиз қизиқарли бўлди. 6 8 ёшдан, дейди Мамаражаб Менглиев, — Уғилларим билан «Тилловмард» фермер ҳўжалигини ташкил этганмиз. 42 гектар еримиз бор. Яна 30 гектар ер олмақчимиз. Ушбу ширкат ҳўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси фаолиятини билишдан танишдик. Бу ердаги тартибни қўриб ҳавасингиз келадди.

Ўйлонлар, ер лойиҳалари, хариталари, иқтисодий кўрсаткичлар, танлов билан боғлиқ тарғибот кўргазмалари — барчаси тартиб билан жойлаштирилган. Уларни талабгорлар, қизиқувчилар кўришаётган экан. Қайта ташкил этиш комиссияси котиби талабгорлардан бири билан таништириди: —Бахтиёр Қорақулов. Бу киши ҳам фермер бўлиш нијатида. Қўришнидан дехқонлиги билиниб турган Бахтиёр Қорақуловга юзландик: —Қайси лойиҳага ариза бергансиз? —1-5 лойиҳасига. 36 гектар. Сурғориладан ери 34 гектар. 23 йилдан бери шу ерда ишлайман. 15 йил пудратчи бўлдим. Ширкатнинг бир трактори бор эди бизда. Муқобил МТП бўлади, деб олишди. Режани дом бажариб келганман. 2005 йил қийин кечди. Шунда ҳам режани бажардим. —Сизга рақобатчилар борми? —Рақобатчи кўп, гап масалани адолатли ҳал этишда. 3-1 лойиҳасига ариза берган Қароматхон Маҳмудов билан суҳбатлашдик: —Танловнинг боришдан қонқияпсизми? —Бу йил ҳаммаси адолатли бўлапти, — дейди Маҳмудов. — Низом яшди тайёрланган. 1995 йилдан бери пудратчиман. Режани бажариб келаялман. Тракторим бор. Алининг майдонини бу. Ким ютса, шу фермер бўлади. Бандихон туманидан қайтгандаимда кўнглимдан ўтди: «Танловлар қанчалик адолатли бўлса, шунча яхши. Барча ерлар бу йил тўла фермерлар ихтиёрига ўтади. Ерни унинг ҳақиқий соҳибларига бериш Бандихон тумани раванқига хизмат қилади.

О.УРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда.

фасига ўтказиш талаб этилмайди; меҳнат шартномасида ишларни бажариш учун зарур усуналар етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва яримфабрикатлар билан таъминлаш, касаначилик мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш ҳамда буортмачи талаб қилган сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташиб кетиш, бажарилган иш учун ҳисобкитоб қилиш бўйича корхоналарнинг касаначилар олдидидаги кафолат ва мажбуриятлари кўзда тутилади.

1. Куйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:
 - меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни инobatла олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш; саноат корхоналари билан уларнинг буортмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипақчилик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек, телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;
 - корхоналарнинг буортмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буортмачилар томонидан хомашё, материаллар ва яримфабрикатларни етказиб бериш ҳамда буортма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шароитлар яратиш.
 - 2. Белгилаб қўйилсинки: корхоналарнинг буортмалари уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади; корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киряди ва уларга меҳнат дафтарчаси берилди, пенсиялар ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади; касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тои-
3. Товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буортма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинсин.
4. Корхоналарга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга корхоналар буортмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизматлар кўрсатишини ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шarti билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқи берилсин. Махсус техника хавфсизлигига амал қилишни тақозо этадиган уй шароитида назорат қилиш имконини бўлмаган, кучли ток билан ишлайдиган, катта энергия талаб қиладиган, техник жиҳатдан мураккаб бўлган усуналарни, шунингдек, хавфли кимёвий бирикмаларни касаначиларга бериш, ижара ва лизинг асосида тақдим этиш ҳамда улардан уй шароитида фойдаланиш тақиқланади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б.А.Матлюбовни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Баҳодир Аҳмедович Матлюбов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 5 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ғ.Т.Қодиروفни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари - жинойат қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлаш тўғрисида

Ғайрат Тоирович Қодиروف Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари - жинойат қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 5 январ

“ПАХТА БАНК”:

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Мамлакатимиз молия тизимида ўз салоҳиятига эга бўлган ва иқтисодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган акциядорлик-тижорат «Пахта Банк» ўзининг ютуқларини йилдан-йилга кўпайтириб борапти.

Ўтган йили банк тизимида 13 та вилоят бошқармаси, 183 туман филиаллари ҳамда 469 минибанклар фаолият кўрсатди. Улар томонидан барча мулкчилик шаклидаги 131 миңдан ортиқ юридик шахсларга ва 254 миңдан ортиқ жисмоний шахсларга комплекс банк хизмати кўрсатилмоқда.

Маблағ қўйилмалари банкнинг стратегик мақсадлари асосида ва Марказий банкнинг меъёрий талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилди. Қабул қилинган таваккалчиликни бошқариш тизими ўтган даврда банк активларининг оптимал тузилмасини таъминлаш ҳамда банкнинг асосий молиявий кўрсаткичларини мунтазам равишда ўсиши имконини берди. Устав капитални 2005 йил якунида 13,0 миллиард сўмини ташкил этди, ўратилган режага нисбатан 100,0 фоизга бажарилди. Банкнинг барча акциядорлари сони 77039 тага етди.

(Давоми 3-бетда)

МУЛОҲАЗА

Узоқ туманларнинг биридан тақсидга келатганимизда бир нуруний қария бизга ҳамроҳ бўлди. Шундай пайтларда, айниқса, йироқ йўлнинг оғирини енгинида ана шундай кўпни кўрган инсонлар жуда асқотади.

Нуруний ҳамроҳимиз ҳам ўтган-кетгандан, қизиқ ханго-

Ауо олтин эмасми?

малардан, бу дунёда тобора камёб бўлиб бораётган меҳроқбатдан гапириб, бизни эриктирмай борди.

Нижоят манзилига етгач, у тақсидан тушар экан, шофёр йигитга юзланди: —Энди болам, айба санамайсан, жанозага келаятган эдим. Пулим озроқ, борини олакок, жон болам, мен сени дуо қилай...

Шунда кутилмаганда шофёр йигит қарияга ўшира кетди:

(Давоми 4-бетда)

Ишлашни хоҳлайсизми? Марҳамат!

—Тадбиркор Раҳмиддин Мирзаяв кишлоғимизда суттин қайта ишлайдиган корхона ташкил этди, — дейди Шаҳрихон туманидаги «Чўжа» кишлоғида яшовчи Беҳзодбек Зулуюв. —Мен иш сўраб тадбиркорга мурожаат қилдим. Маълум муддат синовдан ўтказишгач, доимий ишга қабул қилишди. Ҳар ойда ўртача 70 миң сўм иш ҳақи олялман. Мен каби кунча бекор юрганлардан 29 нафар ҳамқишлоқларим ҳам ишли бўлишди.

Сўнгги вақтларда кишлоқларда ҳам тадбиркорлик фаолияти томир ота бошлади. 2003 йилда ўзининг бизнес режасини «Ҳамкорбанк»га тақдим этган Раҳмиддин Мирзаявнинг сутлаш корхона-эти бордан Хом-ашени қайта ишлаш корхона-эти ташкил қилинди. Истеъмолчиларга 80 тоннага яқин қурук сут етказиб берилди. Даромад ҳам шунга яраша — 300 миллион сўмга етай, деб қолди. Иши юришган Раҳмиддин Мирзаяв кўшни Бўз туманида ҳам корхонасининг шахобчасини очди.

(Давоми 2-бетда)

МАВЗУ

Болалигим хотирамга келади. Онамиз буюрган ишларни апил-тапил бажариб, турли ўйинларни ўйнашга шошилардик. Арағимизда сакраш, копток, ерга чирилган санок сонли ўйинлар, тўпшош...

Мақтабга борганда ҳам 5-10 дақиқалик танафус вақтлари, албатта, мана шу ўйинлар билан машғул бўлардик. Аста-секин улғайгач, биз учун болалиқдаги ўйинлар унутила бошлади. Чўнқи баалоғат ёшига етгандан кейин бизда уят, андиша, одоб-ахлоқ ҳақидаги тушунчалар спортга қизиқишларимиздан устун кетарди. Ва шу тариқа, биз — буй етган қизлар ҳаракатли ва спорт ўйинларидан четлашиб қолдик.

(Давоми 4-бетда)

Қизилқумнинг ҳаёт дарахти

Юртимизнинг 70 фоиз майдонини чўллар ташкил этади. Мамлакатимиз харитасига назар ташласангиз, унинг катта қисмини Қизилқум ишғол қиладди. У Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг қуйи ва ўрта оқимлари ҳавзасида жойлашган. Қизилқум Нурота тизмаси, Зарафшон водийси, Орол денгизи сарҳадларига бориб туташади.

Қизилқум денганда кўз ўнгимизда қум барханлари, қуш уфса қаноти — одам қуядиган жазирнамоён бўлаётган маълумки, айнан шу сарходан Буюк Ипақ йўли ўтиб, у Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғлаб турган. Туя қаровларнинг сехрли жанангалари узоқ-узоқлардан садо берган. Қаровлар кечалари дам олиб, хордик чиқариб, жазирама иссиқда йўлларида давом этганлар. Бу йўллар нафақат савдо-сотик, балки Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг юксак маданияти, илим-фани, маърифатини бир-бирига боғловчи вазифасини ҳам ўтаган.

Қизилқум ўзининг усимликлар дунёси ва жанотлари билан она табиятимизнинг бетакрор гўшаси ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ
СИЗНИНГ
ОИЛАНГИЗ БАНКИ

“ПАХТА БАНК”:

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

(Боши 1-бетда)
Банк томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари кенгайтирилди, янги омонат турлари муомалага киритилди. Жалб қилинган аҳоли омонатлари миқдори 2005 йил охирига келиб 64,5 миллиард сўмни ташкил этди, ўрнатилган режага нисбатан 143,9 фоизга бажарилди. Йил бошига нисбатан 32,5 миллиард сўмга ёки икки баробарга ўсди.



нибанк кассалари орқали 2,3 миллиард сўм миқдорда аҳолининг коммунал ва бошқа тўловлари қабул қилинган. Шунингдек, мўлжалланган Дастурга мувофиқ жойларда “Дамас” автомашиналари асосида 180 та кўча кассалар ташкил этилди ва улар томонидан аҳолининг 1,5 миллиард сўмлик коммунал ва бошқа тўловлари қабул қилинди.

сўмни ташкил этди, шундан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 14,9 млрд.сўм, бюджетдан ташқари жамғармалар ресурсларидан 6,3 млрд.сўм ажратилди. Бю-



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 56-сонли қарорини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банклари томонидан аҳолига истеъмол кредитлари беришни ташкил этиш тўғрисида”ги тавсияла-

жетдан ташқари жамғармалар томонидан бошлангич сармо-яни шакллантириш учун ажратилган 1,8 миллиард сўм миқдоридagi маблағ тўлиқ ўзлаштирилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан



чик ва микро молиялаштириш ривожлантириш мақсадида 7,5 миллион АҚШ доллари миқдорда имзоланган кредит шартномасига мувофиқ жами 5,2 миллион АҚШ доллари тўлиқ ўзлаштирилди, 2005 йилга белгиланган 2,5 миллион АҚШ доллари 120 фоизга ортиги билан бажарилди. Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳисобига яратилган ишчи ўринлар сони 15639 тага кўпайди ва 60637 тани ташкил этди.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳанинг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш” компоненти бўйича 1 миллион 431 минг АҚШ доллари ва “Агросервис корхоналари учун кредитлар” компоненти бўйича 1 миллион

лари тўғрисида”ги 607-сонли қарорига асосан «Пахта Банк» тизимини собиқ хўжаликлар ҳудудида 140 та минибанклар ташкил этиш режалаштирилган эди. Шундан маҳаллий шароитларни ва туман ҳокимларининг хулосаларини инобатга олган ҳолда минибанклар тўлиқ ташкил этилди ва уларнинг сони 469 тага етказилди.

Жорий йилда ҳам минибанкларни ташкил этиш борасидаги ишлар давом эттирилди. Хусусан, 2006 йилда ташкил этилиши режалаштирилган минибанклар вилоят, туман ҳокимларининг ҳамда қайта ташкил этиш комиссияларининг ва Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари иштирокида кенг миқёсда муҳокама этилиб, тақлифлар тайёрланди. Мазкур ўрганиш натижалари тақлифлар билан биргаликда Республика Марказий банкига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПЕ-215-сонли қарорига асосан Республика бўйича 2006 йилда жами 428 та паст рентабелли, зарар кўриб шилаётган ширкат хўжалиқларининг тугатилиши ҳамда улар таркибида 182 та минибанклар ташкил этилиши белгилаб берилган. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 ноябрдаги 03/1-689-сонли баённомасига кўра, яна қўшимча 19 та ширкат хўжалиқлари тугатилиши ва ушбу ҳудудларда тижорат банклари томонидан 8 та минибанклар очилиши белгиланган. Республика бўйича 447 та ширкат хўжалиқлари тугатилиши кўзда тутилган.

Президентнинг таъкидланган қарорига асосан фермер хўжалиқларига айлантирилган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида ташкил этилаётган минибанклар фаолият юритиши учун Банк бошқарувининг тегишли қарорлари қабул қилинди ҳамда жойларга етказилди. “Пахта Банк” тизими бўйича режа-жадвалга асосан жами 150 та минибанклар режалаштирилиб, ташкил этилди.

Ҳозирда барча минибанклар зарурий ҳужжатлар ва оргтехника билан таъминланиб, тайёр ҳолатга келтирилди. Ҳар бир минибанкда фермерлар ва тadbirkorлар учун зарур бўлган йуриқномалар, ҳукуматимиз қарорлари билан таъминланган тadbirkorлар бурчаги ташкил этилган. Кўзда тутилган барча дастурий режаларни изчил амалга ошириш учун астойдил интилаётган ушбу молия муассасаси мамлакатимиз иқтисодий тини ривожлантиришга ўзининг муносиб улушини қўшаверади.

С.ХУЖАЕВ



Шайх оламдан ўтди


Бирлашган Араб амирлигининг вице-президенти, бош вазири ва Дубай шаҳри бошқарувчиси шайх Мактум бин Рашид ал-Мактум Австралияга ташрифи чоғида оламдан ўтди.



Хабарларга кўра, шайх Мактум юрак хуружидан азият чекиб келган. “Амирлик бугун катта йўқотишга ўради, бутун умрини юрт равнақиға бағишлаган инсон оламдан ўтди”, деди мамлакат президенти шайх Халиф бин Заид Ал Нахйян. Амирликда 40 кунлик мотам эълон қилинган. 7 кун мобайнида ҳукуматнинг барча муассасалари ёпиб қўйилди, дея хабар қилади Al Jazeera телеканали.

Ироқда яна қўпоровчилик

Ироқнинг Муқаддия шаҳрида амалга оширилган йирик қўпоровчилик оқибатида 50 киши қурбон бўлди.



CNN хабар қилишича, қабристон олдига йирилган оломон орасида террорчи-камикадзе узини портлатиб юборган. Шунингдек, шаҳарда Ироқ нефт вазириликнинг молия департаменти бошлиғи Раҳимали ас-Суданий ва унинг ўғли жангарилар томонидан отиб ўлдирилган. Ироқ ички ишларининг ҳисоб-китобларига кўра, 2005 йилда 6 мингдан зиёд ироқлик ҳалок бўлган. Шуларнинг 4 минггача тинч аҳоли вакиллари, 1 минг 241 нафарини полиция ва 465 нафарини ҳарбий хизматчилар ташкил этади.

Ҳамкорлик изга тушди


Украинада яна Россиянинг зангори олови порламоқда. “Газпром” ва “Украина Нефтьгаз” раҳбарлари уртасида Москвада бўлиб ўтган навбатдаги музокаралар ижобий ҳал бўлди.



5 йил мuddатга тузилган шартномага биноан 2006 йил 1 январдан Украинага етказиб бериладиган газнинг ҳар минг кубометри баҳоси 230 АҚШ доллари, деб белгиланди. Шунингдек, Украина ҳудудидан Европага олиб чиқилаётган Россия газининг минг кубометр транзит баҳоси 1,6 доллар қилиб белгиланди.

Шароннинг аҳволи оғир

Исроил бош вазири Ариэл Шарон миясига қон қуйилиши оқибатида госпиталга оғир аҳволда ётқизишти.



Бир неча соатлик тиббий жарроҳлик амалиёти ўтказилган. Шифокорларнинг таъкидлашича, Шароннинг соғлиғи ҳақида бир нарсга дейиш қийин. Ҳозирча у беҳуш ҳолда бўлиб, унга сунъий нафас берилмоқда. Бош вазири матбуот қотибининг сўзларига кўра, мўъжиза юз берсагина, Шарон соғайиб кетиши мумкин.

Яширин қамоқхоналар


Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Human Rights Watch ташкилоти Европанинг яна бир давлатда АҚШ Марказий разведка бошқармаси (МРБ)нинг яширин қамоқхонаси бўлганлигини маълум қилмоқда.



Ташкилот вакиллари қамоқхона ҳолатида давлатнинг номини сир туттиришмоқда. Уларнинг фикрига кўра, манзилнинг аниқ кўрсатилиши текширувларга ҳалакат бериши мумкин. Бундан аввалроқ МРБнинг турли давлатлардан олиб келинган террорчиларни сақловчи яширин қамоқхоналари Полша ва Руминияда борлиги ташкилот томонидан айтилган эди.

“Парранда гриппи” қурбони

Туркияда биринчи бор “парранда гриппи”нинг қурбони аниқланди.



Пневмония асоратлари билан шифхонага тушган 14 ёшли ўсмир ҳалок бўлган, унинг қон таркибидан инсон учун ўта хавфли H5N1 вируси топилган. Бу ҳақда мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Ресен Ақдар маълум қилган. Ҳалок бўлган ўсмир оиласининг уч нафар аъзоси организмда ҳам шу турдаги вирус мавжудлиги аниқланган.

Табиат ўч олдимми?


Индонезиянинг Ява оролларида юз берган сув тошқини ва кўчки оқибатида қурбон бўлганлар сони 200 нафардан ошиб кетди.



Маҳаллий матбуотнинг хабар қилишича, кўчки ёғингарчиликдан сўнг юзага келган табиий офатдан оролнинг Сиджерак қишлоғи катта талафот кўрган. Экологларнинг фикрига кўра, бу ҳудудларда содир бўлган офатларнинг асосий омили ўрмонзорларнинг аёвсиз кесиби ташлангандир.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

АТ «Пахта Банк» тизимида ташкил этилган минибанкларнинг ўсиш динамикаси



уртасида жойлаштирилди. Шунингдек, аҳолига истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси ҳамда коммунал тўловларни амалга оширишида қўлайликлар яратиш мақсадида 110 та махсус кассалар ташкил этилди ва ўтган даврда 7,1 миллиард сўмлик аҳолининг коммунал ва бошқа тўловлари қабул қилинди.

рининг бажарилишини таъминлаш мақсадида аҳолига уй жиҳозлари сотиб олишлари учун истеъмол кредитлари бериб борилди. Йил бошидан буён аҳолига қарийб 5 миллиард сўмлик истеъмол кредити берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес субъектларининг 1054 та лойиҳаси молиялаштирилди, берилган кредитларнинг умумий ҳажми 21,2 миллиард

154,5 миллион сўмга ёки 110 фоизга ўсди.

Бундан ташқари, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки билан кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратиш мақсадида 7,0 миллион АҚШ доллари миқдорда имзоланган кредит шартномасига мувофиқ, ажратилган жами 2290 минг АҚШ доллари тўлиқ ўзлаштирилди. Шунингдек, Оснб Ривожланиш банки иштирокида ки-

Аҳоли, савдо корхоналари раҳбарлари, тadbirkorлар диққатига!

Чирчик гўшт комбинати аҳолидан чекланмаган миқдорда қорамоллар ва чўчқаларни келишилган нархларда сотиб олишини маълум қилади. Бундан ташқари, савдо корхоналари, тadbirkorлар сифатли қолбаса маҳсулотларини исталганча харид қилиши мумкин. **Мурожаат учун тел.: 176-22-77 (Тошкентда); 371-71; 25-515 Факс: 563-14 (Чирчиқда)**

Утерьяная лицензия на вино-водочных изделий № 189-06 (АА-001692) от 29.01.2004 г., выданная ЧФ “XARIS” Сергелейского района г.Ташкента, считать недействительным. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 19 февралда “IN EXIM” масъулияти чекланган жамиятига берилган № 4404 (серия рақами УС № 000647) рақамли улгуржи савдо билан шугулланиш ҳуқуқи қайд этилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ШИНАЛАРНИ comagu:

енгил машиналар учун, енгил юк ташувчи машиналар учун, оғир юк ташувчи машиналар учун, қишлоқ хўжалиги техникаси учун



Шиналар ва аккумуляторлар бюртма бўйича 30-35 кун ичида Украина ва Россиядан келтирилади. Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари: Наманган ш., Дўстлик шох кўчаси, 1-А уй. Тел (3692) 24-56-60 Анджион ш., Мирустин к., 20-уй. Тел: (3742) 24-04-88 Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел: (37357) 2-19-06 Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел:(37622) 2-45-85.

SUNSTREAM

Томчили суғориш

Sunstream томчили суғориш трубалари турлича қалинликдаги материал ва томчилатувчи масофаларда ишлаб чиқарилмоқда.

Томчили суғоришнинг устунликлари:

Сувнинг сарфланиши камайди;
 Ҳосилдорлик ошади;
 Маҳсулот сифатини оширади;
 Ўрнатиш ва йиғиштириб олиш қулайдир;
 Ўсимлик препаратларидан фойдаланишни камайтиради;
 Тупроқ шўрланишининг олдини олади;
 Суғориш учун ишчи кучини тежайди;
 Ёқилги сарфи ва насос энергияси харажатлари оздир;
 Ўғит тежамкорлигини таъминлайди;
 Ёввойи ўт ва касалликларни камайтиради, исталмаган ўсимликлар кўпайишининг олдини олади;
 Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши тартибли шаклда;
 амалга ошади;
 Катта майдонларнинг суғорилишини осонлаштиради;
 Тупроқни юмшатиш учун ишчи харажатлари жуда оздир;
 Тупроқнинг ҳаво ўтказувчанлигини таъминлайди;
 Маҳсулотнинг далада чиришини камайтиради;
 Ҳосилнинг эрта етилишини таъминлайди.

SUNSTREAM Republic of Uzbekistan, 700017, Tashkent Amir Temur str., 25, 11 th floor, 1104 room. T&E +998 71 134 75 49 134 75 37 Mob. +99890 317 56 68 108 55 78

Соғлом авлод - соғлом келажак

(Боши 1-бета)

Спорт тўғрақлари йўқ, бўлган тақдирда ҳам, ота-оналаримиз қатнашишга рухсат беришмасди...

гўзаллиги омили, балки келажак авлоднинг баркамоллиги кафолати хамдир...

Бу она боласини 2-3 ойлигиданок бадантарбия машқлари билан шахсан ўзи шуғуллантиради...

1 она - сузиш чемпиони:

Ўзлаштиришида самарасини беради. II она - ёш, тажрибасиз: Бу она боласининг касал бўлиб қолишдан чўчиб...



Осиё-2007: қуръа ташланди

2007 йил Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнам давлатларида футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади.



Кунини кеча ана шу нуфузли мусобақа саралаш бахсларига қуръа ташлаш маросими ўтказилди...

Муҳлисларга бир нарсани эслатиб ўтмоқчимизки, Осиё чемпионатида илк бор тўрт давлат мезбонлик қилмоқда...

Ўзбекистон терма жамоаси жой олган гуруҳдаги саралаш бахслари тақвими куйидагича кўриниш олган:

1-ўйин. 22 феврал, 2006 йил. Ўзбекистон-Бангладеш

2-ўйин. 3 апрел, 2006 йил. Қатар-Ўзбекистон

3-ўйин. 16 август, 2006 йил. Бангладеш-Қатар

Ўзбекистон-Гонконг

4-ўйин. 6 сентябр, 2006 йил. Гонконг-Ўзбекистон

Қатар-Бангладеш

5-ўйин. 10 октябрь, 2006 йил. Бангладеш-Ўзбекистон

Қатар-Гонконг

6-ўйин. 15 ноябр, 2006 йил. Ўзбекистон-Қатар

Гонконг-Бангладеш

Ўз гуруҳидан биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритган терма жамоалар мусобақанинг финал қисмида иштирок этади.

Гуруҳдаги асосий рақиб сифатида Қатар терма жамоасини эътироф этишимиз мумкин. Вакилларимиз сўнгги бор Қатар билан 2001 йил расмий ўйинда куч синашганди.

Руслан Чагаев ҳозирча саккизинчи

Бутун дунё бўкс ташкилоти (WBO) янги рейтинг рўйхатини эълон қилди. Айни дамда ушбу йўналишда АҚШлик Леймон Брюстер чемпион бўлиб турибди.

Германия рингларига рейтинг «жанг»лари ўтказаятган ҳамюртимиз Руслан Чагаев айни дамда қучилар рўйхатининг саккизинчи поғонасидан жой олган.

Германиянинг Universum Box Promotion клубида машғул ўтказаятган Андижон бокс



юзидан жароҳат олган ва жанг тўхтатилганди.

Руслан навбатдаги йигирманчи жангини 7 январь кун яна Роб Кэллоузга қарши ўтказди.

Агасси иштирок этмайди

Теннис мусобақалари ичида ўзига хос нуфузга эга бўлган Австралия очик чемпионати бу йил мохир теннисчи Андре Агассис ўтадиган бўлди.

35 ёшли теннисчи Australian Open ташкилотчиларига мусобақада иштирок эта олмаслигини расмий равишда билдирган.

Теннисчининг бу қарорга келишига ўтган мавсумда олган жароҳати сабаб бўлди.

Шунингдек, АҚШлик теннисчи 10-12 феврал кунлари Дэвис кубогининг Руминияга қарши кечадиган ўйинларида ҳам ватандошларига ёрдам бера олмайди.

Агасси ўзининг бу қароридан сўнг матбуотда чиқиб қилди ва куйидагиларни айтиб ўтди: "Мен бундан афсусдаман. Лекин ўзим рохатланидиган теннисни ҳозирча ташлаш ниятман йўқ. Қачонки соғлигим 100 фоиз тикланса, ўшанда қўлимга ракеткамни олмаман ва яна кортда кунимни синашда давом этаман".

Андре Агасси сўнгги бор ўтган йил ноябрда ўшанда Шанхайда ўтган Masters Cup турнирида ўз омадини синаб кўрган ва биринчи даврада россиялик Николай Давиденкога қарши ўйин ўтказиб, мағлубиятга учраганди.

Роналдининг қарори

Бразилия терма жамоаси ва "Реал" ҳужумчиси Роналдо 2006 йил Германия яшил майдонларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ўзининг тўпурақлик қобилиятини яна бир бор намоён қилишга ваъда бермоқда.

Аниқроғи, Роналдо жаҳон чемпионатида афсонавий Герд Мюллер томонидан ўрнатилган рекорднинг янгиламоқчи. Герд Мюллер ҳисобида "мундиал"ларда киритилган 14 гол бор. Айни кунгача ҳеч бир футболчи жаҳон биринчиликларида ўн тўрттадан кўп гол киритмаган.

Бразилиялик "Сўйлоқ" (Роналдо)нинг ҳисобида ўн икки гол бор. У Германияда бўладиган жаҳон чемпионати мобайлида ўз голларини Мюллерникидан ошириб, жаҳон рекордини ўрнатиб истагиди.

Фазилидин АБИЛОВ тайёрлади.

Ортада қолган из

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар барҳаётлик қўлларидек ўзларига мармар тошларисиз жайкал қўядилар, яъни боқийликка дахлдор бўладилар.

Умр дегани ҳаёт сўқмоқларида қолдирган ёрқин излари билан қадрлидор. Бундай одам бевақт бу дунёдан ўтса ҳам доим барҳаётдир.

Анвар Раҳимбердиевнинг тақдири - руҳан қучли инсоннинг умр йўлидир. Зотан, у ўз тақдирини ўзи яратган олган инсон эди.

Раҳбарлик, ташкилотчилик вазибаларини инсонийлик, халқларварлик, ҳақгўйлик, самимийлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирганди.

У турли ташкилотларда меҳнат қилди. Инсон қалбидаги энг бегубор, энг улуғвор туйғулардан бири Ватанга, халқига чекисиз меҳр қўйди, муносиб фарзанд бўлишга интилди.

Анвар ака меҳнат фаолияти давомидида ўзига топширилган ишни аъло даражада бақарди, десак янглишмаган бўламиз.

У кишига хос муҳим фазилатлардан бири тиниб-тинчимаслик, ишбилармонлик, ўз олдига қўйган асосий мақсадни амалга ошириш, адолат ва ҳақиқатнинг қарор топиши учун курашдан тоймаслик, шижоаткорлик эди.

Анвар ака тиниб олиш мазъ-хассис сифати-шахридаги "Фотон" корхонасида муҳандис-конструкторликдан бошлади.

Доймо ҳаётини севиб яшаган инсон умрининг ўтган йиллари давомидида катта ҳаётий тажриба тўплади, ҳар қандай одамнинг қалбига йўл топиш истеъдодини эгаллади.

Самимийлиги, одамоҳунлиги, қатъиятлилиги, айтган сўзини амалда бажара олишгаги билан кишилар ҳурматини қозонди, эл ўртасида обрў-этибор топди.

Айниқса, у кишидаги энг яхши фазилатлар "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўрин-босари лавозимда ишлаганида янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Халқ дастурхонини тўқин қилиш, халқимизнинг ноғна бўлган талаб-эҳтиёжини тўлароқ қондириш, айниқса, бу соҳада ҳалоллиқни, қонун устуворлигини таъминлаш учун қилган астойдил саъй-ҳаракатларида А.Раҳимбердиевнинг ҳам хизматларини эслатиб ўтиш жоиздир.

У шу соҳадаги хизмат фаолияти давомидида давлат эҳтиёжлари учун дон қабул қилиш, уни жойлаштириш, сифатли сақлаш ишларига ўзининг катта хиссасини қўлди.

Унинг дўстлари, ҳамкасбларининг эътироф этишича, у - олижаноб инсон, ҳақиқий дўст, қобилиятли ташкилотчи раҳбар бўлиб билан бирга меҳрибон ота ҳам бўлган экан.

У фарзандларнинг ҳалол инсон, халқи ва Ватани учун керакли касб эгаси бўлишини жуда-жуда истар эди. Шу мақсадда турмуш ўртоғи Гулчехраҳон билан фарзандларини беками-кўст тарбиялашга ҳаракат қилди.

Бугун эса уларнинг умид билан экан ниҳоллари буй кўрсатди. Учал фарзанди ҳам халқ қорига ярайдиган яхши мутахассислар бўлиб етишилди.

Аслида яшашдан мақсад нима? Инсонийлигини намоён этиш, ўтган умрини бежиз кеткимаслик, ортидан яхши ном қолдириш эмасми? Анвар Раҳимбердиевнинг тақдири шундай ҳаёт тарзига тимсол бўлиши шубҳасиз.

Бугун у ҳаётлигида қилган эзгу ишлари янада ёрқинроқ, жозибалироқ намоён бўлиб, шогирдларининг, ҳамкасбларининг, фарзандларининг кўнглига таскин бермоқда.

Р.БОТИРОВ


Тегишли давлат патентларига эга "AVTOTRAK" илмий-ишлаб чиқариш маркази. ЗИЛ, ГАЗ, ПАЗ, КАВЗ, УАЗ, "ВОЛГА"... автомобилларига дизел ўрнатади. Фермерларни, МТП раҳбарларини ва бошқаларни ҳамкорликка таклиф этамиз!

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Аграрно-комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“ЎЗАС”нинг ўз сўзи бор

Айни пайтда фаолиятининг эллик йиллигини нишонлаётган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" тахририятига ижодий ходим бўлиб ишга келгунингизга қадар бир ишхонадаги лавҳада "Ҳар ким ўзи ишлайдиган жамоаси билан фахрланиши шарт", деган ёзувини кўрганимни эслаيمان.



Тўғрироғи, бу менга бироз бандандароқ гаплар бўлиб туюлганди.

Эндилликда мен бу сўзларнинг маъносини ҳис қилаётганда экман. Албатта, бундай ёзувга ҳозирда ҳар кун дуч келмайман, лекин бир сония бўлса-да, юқоридаги сўзлар мени тарқ этмайди.

"Бу нашр зиёлилар газетаси, шунинг учун бу минбар орқали айтганга сўзларнинг олдига сўзлардан бўлмасин", деган ўй менга сира тинчлик бермайди.

Бунда ёритилаётган кадрлар умуммаданан ўзининг хизмат қилидиган қадрият бўлиши керак. Шу кунгача ишлаб келган ижодкорларнинг меҳнатлари биздан шу ҳақиқатни талаб қилади.

Заҳматкаш устозлар Мумтоз Мухаммедов, Воҳид Зоҳидов, Раҳмат Файзий, Лазиз Қоюмов, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, адабиётшунос олим Иброҳим Гафуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Мурод

Абдуллаев ва Аҳмаджон Мелибоевларнинг иш фаолиятлари биз ёшларни ҳаммаша шу каби чўқиларни кўзлаб учишга ўргатади.

Турли йилларда чоп этилган нашрларни кўздан кечириб, шунга амин бўлдимки, бу газета ҳар қандай даврларда турли вазиятларда ҳам ўзининг мустақил фикрига содиқ

ақчи ҳақиқатлар борасидаги ўй-мулоҳазалари, 2004 йилда чоп этилган Шукр Холмирзаев билан Мурод Абдуллаевнинг сўхбатлари, Ашуралӣ Жўраевнинг Ботир Зокиров ҳақидаги «Қалб бўронлари», Иброҳим Ҳаққулнинг фикрларга бой мақолаларини сўхбатлари, буларнинг бари бизга адабиёт ва санъатнинг юксак мезонлари нима эканлигини англатади.

"ЎЗАС" бу оламнинг турфа рангларини танишини учун қандай ёрдам берган бўлса, айни дамда мана шу олам қўйнида қалам тибратти шукҳуқини берганлиги учун ҳам ундан маънан қарздорман. Доймо қалб истагим, энг катта вазифам "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг минбари юксак эканлигини унутмасдан, унга муносиб сўз айти олишдир.

Иқбол ҚўШШАЕВА, журналист.

"Бир кун Афанди..." ЯНГИ ФИЛЬМ. назар билан қараш, нуқсонларни фош қилиш маъноси ҳам муҳассама. Ўзбек кино санъатида Ҳўжа Насриддин образини яратиб борасида анчайин тажриба мавжуд. Хуллас, севишли қаҳрамонимиз Насриддин Афанди яна экранда. Таниқли режиссёр Шухрат Аббосов "Бир кун Афанди..." янги кинокомедияси билан киношанавадаларни қўшнид этиш ниятида. Эркин Хўшвақтовнинг сценарииси асосида суратга олинган бу фильм республикамиз кинотеатрларида тез кунларда намоёйш этилади.

Дуо олтин эмасми?

(Боши 1-бета) -Ҳой чол, менам уйда беш-олти жонни боқаялман. Сенинг дуоинг қорин тўйдиридимки... Пулинг бўлмаса кўнча чикчи нима қиласан? Ҳе, соқолигача... Ҳайдовчи шуларни айтиди-ю, машина эшигини қарсиллатиб ёпиш, шибто билан хайдаб кетди. Биз йигитни инсофга чақирган бўлдик. Шу биргина қариядан йўлқарини озоролганда ҳам осмон узилиб ерга тушмаслигини, бундай пайтларда сал босикроқ бўлиш лозимлигини гапирган бўлдик. Аммо у бир нималар деб мингирлаб сўқинар, бизнинг гапимизни қўлига ҳам илмасди. Ҳамманинг кайфияти бузилди. Менинг кўз ўнгимда эса гоҳ машина ортидан мунгайиб қараб қолган отахон, гоҳ бўралаб сўқинаётган шофёр йигитнинг со-

САНА

қолиб, ўз сўзини айти билган.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида чиққан газета саҳифаларига кўз югуртирарканман, Одил Ёқубовнинг миллат зиёлиларини қўрқатиш мақсадида кирушчилик билан ёзган мақолалари, Аҳмаджон Мелибоевнинг Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» романи ҳақидаги мақоласи ва унда ёзилган

назар билан қараш, нуқсонларни фош қилиш маъноси ҳам муҳассама.

Ўзбек кино санъатида Ҳўжа Насриддин образини яратиб борасида анчайин тажриба мавжуд. Хуллас, севишли қаҳрамонимиз Насриддин Афанди яна экранда. Таниқли режиссёр Шухрат Аббосов "Бир кун Афанди..." янги кинокомедияси билан киношанавадаларни қўшнид этиш ниятида. Эркин Хўшвақтовнинг сценарииси асосида суратга олинган бу фильм республикамиз кинотеатрларида тез кунларда намоёйш этилади.

Фильм ҳаётда учрайдиган кулгили воқеаларга бой бўлиб, бош ролларни "Ҳандалак" студияси актёрлари Ортин Султонов, Зокир Очилдиев, "Қаҳқаҳа" театр студияси кизикчилари ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мадина Мухторова ва бошқа санъаткорлар маҳорат билан икром этишган.

Уйлаймизки, "Бир кун Афанди..." ҳаммага хўш кайфият бағишлаб, муҳлисларда катта таассурот қолдиради.

Ш.САНАЕВ

билан бир-икки соат чақчақлашиб бўлган, кетишга қолганганимда онам ҳар доим дуога қўлини очди. Уларнинг бор меҳри инган тилақларини жон қўлогим билан тингларканман, неғадир руҳим энгиллашгандай, дилим ва шуури тозалангандай бўлди. Шундай кезларда бошлаган ишларим ҳам ўнгидан келаверади, тез битиб кетаверади. Шунда мен дуоларда илоҳий куч, ўзига хос хислат мавжудлигига янада ишонаман.

Шукроналар бўлсин, замонамиз дорилмон. Бугун қаловини топиб қор ёндираётган ишбилармонлар ҳам, дунёвий билимларни эгаллаб, тараққиётнинг энг сўнгги техникаларини бошқара биландиган ёшлар ҳам тобора қўпайиб бермоқда. Қўпайсин, юртини яшнатсинлар. Бирок, улар бир нарсани хавлдан фаромуш қилмадилармикан? Улар ота-она, эл-юрт дуосини олишдиммикан?

Шошил, замонаш, толейингда қўёш балқисин, десанг улар ҳузурига бор. Улардан дуо ол!

Ҳидоят АҲМЕДОВ

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Наманган - 8-436-22-60-525; Самарканд - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Саванна - 8-366-2-33-70-57; Сурхондариё - 8-376-46-526-61; Сурхондариё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарь - 8-375-22-517-65.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР МАТНИ УЧУН БУЮРТМАЧИ ЖАВОБГАР. -тихорат мақола

"Қишлоқ ҳаёти" материалларини кўчириб бошиш фақат тахририят руҳсати билан аймалга оширилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Д. УЛУГМУРОДОВ. Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ. Бош мусаҳҳих: Х. ТОШҲУЖАЕВ

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт" илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-319, ҳажми 2 босма табок.

Офсет усулида босилди, қороз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади - 18274

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5